

**“Боғот дон” акциядорлик жамияти  
Кузатув кенгаши йиғилишининг  
№ 06-сонли баённомаси**

2024 йил 07 август

Тошкент шаҳри

Йиғилишни жамият кузатув кенгаши раиси Н.Ж.Жумаев бошқариб, қуйидаги кузатув кенгаши аъзолари Ш.Б.Донаев, М.С.Хошимов, А.А.Камилов ва Р.Ж.Жаббаровлар ZOOM платформаси орқали онлайн тарзда савол-жавоб, музокара ва овоз бериш йўли билан қатнашдилар.

***Йиғилишга таклиф этилганлар:***

“Боғот дон” АЖ бошқарув раиси: Х.Ғаффаров  
Бошқарув аъзолари ҳамда масалага алоқадор барча масъул ходимлар.

Кузатув кенгаши аъзолари ва таклиф этилганлар тўлиқ иштирок этаётган бугунги йиғилиш очик деб эълон қилинди ва қуйидаги кун тартибидаги масалалар билан йиғилиш иштирокчилари таништирилди.

**Кун тартиби:**

1. «BOG'OT-DON» АЖ томонидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида хом-ашё сотиб олиш учун дастлабки 6 (Олти) ой имтиёзли давр билан 36 (Ўттиз олти) ой муддатга, йиллик 11 (Ўн бир) % устама ҳамда кредит хужжатларини кўриб чиқиш учун кредит суммасидан 1 (Бир)% миқдорида бир маротабалик тўлов тўлаш шарти асосида "Hamkorbank" АТБ Урганч УБХО дан 600 000 (Олти юз минг) АҚШ доллари миқдорида тўлиқ спот амалиёти орқали сўмда пул ўтказиш шаклида очик кредит линияли кредит маблағи олиш бўйича жамият ижроя орган таклифини мақуллаш.

2. Олинаётган кредит таъминоти учун "BOG'OT-DON" акциядорлик жамиятига тегишли, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Пахтаобод МФЙ, Нажмиддин Кубро кўчаси 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 98 555,70 кв.метр, қурилиш ости майдони 22 513,00 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 18 199,24 кв.метрдан иборат "BOG'OT-DON" акциядорлик жамиятининг бино-иншоатлари бириктирилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга гаровга тақдим этишга розилик бериш;

3. Банкдан кредит маблағларини олиш билан боғлиқ бўлган шартномалар йирик битим бўлганлиги сабабли, банк билан йирик битим тузишга рухсат бериш ҳамда йирик битимни имзолаш ваколатини жамият ижроя органи раҳбари ваколатига бериш тўғрисида.

Шундан сўнг, йиғилишга раислик қилувчи Кузатув кенгаши йиғилишининг кун тартибидаги масалаларни эшитиш ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди.

Йиғилишда маърузага чикувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек, йиғилишни танафуссиз якунлаш таклиф этилди ва очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

**Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:**

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------|----------|------------|
| 1   | 5 (беш)     | Йўқ      | Йўқ        |

**Таклиф этилган кун тартиби ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

Шундан кейин кун тартибидаги биринчи масала юзасидан «BOG'OT-DON» АЖ бошқарув раиси Х.И.Ғаффаров сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига «BOG'OT-DON» АЖ томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-262-сонли қарорининг 2-бўлим а. бандига асосан “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналар товар буғдойни Жамғарма номидан буғдой етиштирувчилардан сотиб олиш, сақлаш, шунингдек, харидорларга жўнатиш тадбирларини амалга ошириш бўйича тижорат вакили ҳисобланишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 11 июндаги “2024 йил ҳосилидан буғдойни харид қилиш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 325-сонли қарорига мувофиқ 2024 йил ҳосилидан буғдойни харид қилиш ва ички бозорни ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш белгиланганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунга асосан корхона ҳисоб рақамидаги айланма маблағнинг камлиги сабабли, биржа савдоларидан товар буғдойни сотиб олиш мақсадида дастлабки 6 (Олти) ой имтиёзли давр билан 36 (Ўттиз олти) ой муддатга, йиллик 11 (Ўн бир) % устама ҳамда кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш учун кредит суммасидан 1 (Бир)% микдорида бир маротабалик тўлов тўлаш шарти асосида "Hamkorbank" АТБ Урганч УБХО дан 600 000 (Олти юз минг) АҚШ доллари микдорида тўлиқ спот амалиёти орқали сўмда пул ўтказиш шаклида очиқ кредит линияли кредит маблағи олиш юзасидан жамият ижро органи таклифини маъқуллашни сўради.

Иккинчи масала юзасидан ўз фикрини давом эттириб, кредит таъминоти сифатида "BOG'OT-DON" акциядорлик жамиятига тегишли, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Пахтаобод МФЙ, Нажмиддин Кубро кўчаси 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 98 555,70 кв.метр, қурилиш ости майдони 22 513,00 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 18 199,24 кв.метрдан иборат "BOG'OT-DON" акциядорлик жамиятининг бино-иншоотлари бириктирилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга гаровга тақдим этишни маъқуллашларини сўраб таклиф берди.

Кенгаш йиғилиши кун тартибига киритилган учунчи масала юзасидан муҳокама давом эттирилиб, кредит олиш билан боғлиқ бўлган расмийлаштирилиши назарда тутилаётган шартномалар йирик битим бўлганлиги сабабли банк билан йирик тузишга жамият кузатув кенгаши томонидан рухсат берилиши лозимлиги, мазкур йирик битимларни расмийлаштириш ваколати жамият Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларидан келиб чиқиб, жамият ижроя органи раҳбарига берилиши лозимлигини айтиб ўтди.

Шундан кейин мажлисга раислик килувчи кун тартибидаги муҳокама қилинган масалани йиғилиш иштирокчиларига овозга қўйиш таклифи берилди.

**Таклиф этилган кун тартибидаги масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.**

*Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:*

| т/р | Тарафдорлар | Қаршилар | Бетарафлар |
|-----|-------------|----------|------------|
| 2   | 5 (беш)     | Йўқ      | Йўқ        |

“Боғот дон” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши кун тартибига киритилган масалани ўрнатилган тартибда, иштирокчиларнинг фаоллигида қўриб чиқилди. билдирилган таклиф ва фикр мулоҳазаларни инобатга олиб

### **ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «BOG'OT-DON» АЖтомонидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш ҳамда ривожлантириш мақсадида хом-ашё сотиб олиш учун дастлабки 6 (Олти) ой имтиёзли давр билан 36 (Ўттиз олти) ой муддатга, йиллик 11 (Ўн бир) % устама ҳамда кредит хужжатларини қўриб чиқиш учун кредит суммасидан 1 (Бир)% микдорида бир маротабалик тўлов тўлаш шарти асосида "Hamkorbank" АТБ Урганч УБХО дан 600 000 (Олти юз минг) АҚШ доллари микдорида тўлик спот амалиёти орқали сўмда пул ўтказиш шаклида очик кредит линияли кредит маблағи олиш тўғрисидаги жамият ижроя орган таклифи маъқуллансин, жамият банк билан йирик тузишга розилик берилсин.

2. Олинаётган кредит таъминоти учун "BOG'OT-DON" акциядорлик жамиятига тегишли, Хоразм вилояти, Боғот тумани, Пахтаобод МФЙ, Нажмиддин Кубро кўчаси 1-уйда жойлашган, умумий ер майдони 98 555,70 кв.метр, қурилиш ости майдони 22 513,00 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 18 199,24 кв.метрдан иборат "BOG'OT-DON" акциядорлик жамиятининг бино-иншоатлари бириктирилган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга гаровга такдим этилишига розилик берилсин. Гаров объектини гаров қиймати гаровга олувчи билан ўзаро келишуви асосида белгилансин.

3. Жамият бошқарув раиси Х.И.Ғаффаровга «BOG'OT-DON» АЖ номидан йирик битимларни тузиш, имзолаш ваколати берилсин.


4. Кредит олиш билан боғлиқ барча хужжатларни банкка такдим этиш жамият бош бухгалтери Д.Қарриев зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур баён ижросини назорат қилиш Кузатув кенгаши зиммасига юклатилсин.


Кузатув кенгаши раиси :

 **Н.Ж.Жумаев**

Кузатув кенгаши аъзолари:

 **Ш.Б.Донаев**

 **М.С.Хошимов**

 **Р.Ж.Жаббаров**

 **А.А.Камилов**

*Баённома 2024 йил 07 август кунини расмийлаштирилди.*